

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

МИРФОЗИЛОВ НОДИРБЕК АЪЗАМОВИЧ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ТУРЛИ СУҒОРИШ
УСУЛЛАРИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ЭРТАКИ ВА КЕЧКИ
КАРТОШКАНИНГ СУҒОРИШ РЕЖИМИНИ АНИҚЛАШ**

06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2024

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам**

**Content of the abstract of (PhD) doctoral dissertation of
agricultural sciences**

Мирфозилов Нодирбек Аъзамович

Андижон вилояти шароитида турли суғориш усулларида
етиштириладиган эртаки ва кечки картошканинг суғориш режимини
аниқлаш..... 5

Мирфозилов Нодирбек Аъзамович

Определение режима орошения раннего и позднего картофеля,
выращиваемого при различных способах орошения в условиях
Андижанской области 21

Mirfozilov Nodirbek A'zamovich

Determining the irrigation regime for early and late potatoes grown under
different irrigation methods in the conditions of the Andijan region..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published papers..... 43

**ПАХТА СЕЛЕКЦИЯСИ, УРУҒЧИЛИГИ ВА ЕТИШТИРИШ
АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 РАҚАМЛИ**

ИЛМИЙ КЕНГАШ

**АНДИЖОН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ВА АГРОТЕХНОЛОГИЯЛАР
ИНСТИТУТИ**

МИРФОЗИЛОВ НОДИРБЕК АЪЗАМОВИЧ

**АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА ТУРЛИ СУҒОРИШ
УСУЛЛАРИДА ЕТИШТИРИЛАДИГАН ЭРТАКИ ВА КЕЧКИ
КАРТОШКАНИНГ СУҒОРИШ РЕЖИМИНИ АНИҚЛАШ**

06.01.02-Мелиорация ва суғорма деҳқончилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент–2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Qx691 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтида бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.psuyaiti.uz) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz.) манзилига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Исашов Анваржон,**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Хамидов Муҳаммадхон Хамидович**
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Қамилов Бахтиёр Султанович
қишлоқ хўжалиги фанлари номзоди, профессор

Етакчи ташкилот: Ирригация ва сув муаммолари илмий тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даража берувчи DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 рақамли илмий кенгашнинг «__» _____ 2024 йил соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.:(+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: riim@agro.uz)

Дкаторлик диссертацияси билан Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника М.Ф.Й., ЎзПИТИ кўчаси, ПСУЕАИТИ. Тел.:(+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail:пахтауз@mail.ru

Диссертация автореферати 2024 йил «__» _____ да тарқатилди.
(2024 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси)

Ш.Нурматов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, қ.х.ф.д., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби қ.х.ф.н., профессор.

Ж.Х.Ахмедов,
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси б.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунга келиб картошка – дунёнинг кўплаб минтақаларида инсонларнинг кунлик озиқ-рациониди асосий маҳсулотлардан бири сифатида ўрин олган ва етиштирилиши бўйича ҳозирда тўртинчи ўринда туради. Америка қўшма штатларининг Қишлоқ хўжалик департаменти USDA, National Agricultural Statistics Service маълумотига кўра «2023 йилда жами картошка ҳосили 440 млн. тонна 2022 йилга нисбатан 9% га кўпроқ етиштирилган. Жами экин майдонлари эса 23,1 млн. гектар 2022 йилга нисбатан 5% га ортган бўлиб, ҳосилдорлик ҳар гектаридан 18,5-19,0 тоннани ташкил этган»¹. Осиё ва Африка картошкачилик тез суръатлар билан ўсиб бораётган минтақалар ҳисобланади, Европа ва Шимолий Америкада эса маҳсулот етиштириш ҳажми пасайиб бормоқда.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда, хусусан картошкачиликда суғориш муҳим омил ҳисобланади. Сайёрамизнинг етакчи картошка етиштирувчи мамлакатларида сувтежамкор суғориш технологияларидан кенг миқёсда фойдаланилади. Мазкур технологияларни қўллаш орқали суғориш сувларини тежаш билан бир қаторда кўпроқ ва сифатлироқ ҳосил етиштиришга эришилади. Юқори ва истеъмолбоп ҳосил олиш картошканинг маҳсулдорлик кўрсаткичларига бевосита боғлиқ бўлади. Шу сабабдан ҳам ёмғирлатиб суғориш усули жорий қилинадиган майдонларда картошка етиштиришнинг самарадорлик кўрсаткичларини ошириш учун суғориш тартибларини аниқлаш бўйича илмий тадқиқотлар ўтказиш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда сувтежамкор суғориш технологияларни кенг миқёсда жорий қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 13 февралдаги “Қишлоқ хўжалиги ерлари деградациясига қарши курашиш, тупроқнинг гумус миқдори ва унумдорлигини оширишни қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”²ги ПҚ-71-сон қарори ҳамда 2020 йил 6 майдаги “Республикада картошка етиштиришни кенгайтириш ва уруғчилигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4704 сонли қарори қабул қилинди. Унга кўра, картошкачилик кластерлари ва кооперацияларини ташкил этиш, асосий йўналишлар этиб, инновацион ва ресурс тежамкор технологиялар асосида истеъмол ва уруғлик картошка етиштириш, супер элита ва элита авлодларини етиштиришни кенгайтириш, ички бозор талабини қондирибгина қолмасдан экспортни кенгайтириш, уруғли картошкани сақлаш, саралаш, етказиб бериш ва қайта ишлашни йўлга қўйиш, соҳага илғор технологиялар, инновацион ечимлар (ноу-хау) ва илм фан ютуқларини жорий этиш мақсад қилиб олинган.

Мазкур диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 1 мартдаги ПҚ-144-сон «Қишлоқ хўжалигида сувни тежайдиган технологияларни жорий этишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолият билан боғлиқ бошқа меъёрий-

¹ <https://usda.library.cornell.edu/concern/publications/fx719m44h>

² <https://lex.uz/ru/docs/6798455>

ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий-тадқиқот иши Республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳитнинг муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Картошқачилик бўйича етакчи давлатларда V.Albrecht, D.Roth, A.J.Havercort, P.C.Struik, D.J.Theron, Б.А.Писарев, В.П.Кирюхин, В.С.Бориско, А.В.Коршунов, Т.В.Кувонина, В.И.Ольгаренко, Д.С.Усковлар ва республикамизнинг турли тупроқ-иклим шароитларида картошкани экиш усуллари, муддатлари ва суғориш режими, техникаси ҳамда ўғитлаш меъёрларини аниқлаш бўйича Н.Н.Балашев, Е.Г.Лучинина, Д.Т.Абдукаримов, В.И.Зуев, Т.Э.Остонақулов, И.Т.Эргашев, А.Х.Ҳамзаев, С.Т.Санаев, Б.Ж.Азимов, И.Х.Амантурдиев, М.К.Абдурахимов, Н.Т.Нишонов ва бошқалар томонидан ўрганилган.

Андижон вилоятининг ўтлоқи-бўз, сизот сувлари сатҳи 1,5-2,0 метр чуқурликда жойлашган тупроқлари шароитида эртаки ва кечки картошкани ёмғирлатиб суғоришнинг ўсимликларнинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация иши Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти илмий тадқиқот ишлари режасининг “Сувтежамкор суғориш технологияларини янада такомиллаштириш” мавзусидаги хўжалик шартномаси доирасида бажарилган (2020-2022 й.й.)

Тадқиқотнинг мақсади: Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усулларида эртаки ва кечки картошқадан юқори ва сифатли ҳосил олишни таъминловчи мақбул суғориш тартибларини аниқлаш ҳамда амалиётга тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари ҳамда суғориш тартибларини тупроқнинг агрофизик хоссаларига таъсирини ўрганиш;

эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усулларида картошқа етиштиришнинг мақбул суғориш тартибларини аниқлаш;

эртаки ва кечки картошқа етиштиришда Serhosil ва Desiree навлари мисолида эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари ҳамда суғориш тартибларини ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишига таъсирини ўрганиш;

эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари ҳамда суғориш тартибларида картошқа ўсимлигининг сув истеъмолини аниқлаш;

эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари ва суғориш тартибларини картошқа ўсимлигининг ер усти органлари ривожини, туганак ҳосили, бир дона туганак вазни ва ҳосилдорлик кўрсаткичларига таъсирини аниқлаш;

эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари ва суғориш тартибларида

картошка етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти Андижон вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари, картошканинг ўрта-эртапишар “Serhosil” ва “Desiree” навлари, эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари ҳамда суғориш тартиблари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети картошканинг ўрта-эртапишар навлари, эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари, тупроқнинг агрофизик хоссалари, суғориш тартиблари, картошканинг ўсиши, ривожланиши, маҳсулдорлик кўрсаткичлари ва ҳосилдорлиги ҳисобланади.

Тадқиқотнинг услублари. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини ўтказиш, экиш, экинни парвариш қилиш, ҳосилни йиғиш, ҳисоблаш ва таҳлиллар Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти, ВИР (Всероссийский институт генетических ресурсов растений имени Н.И. Вавилова), ФИЦК (Федеральный исследовательский центр картофеля имени А.Г.Лорха) услуги ҳамда тавсиялари, “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари”, “Методика полевого опыта” услубий қўлланмалари асосида олиб борилган.

Дала тажрибаларида олинган натижаларнинг статистик таҳлили Б.А.Доспехов усулида электрон жадваллар билан ишлаш дастури орқали ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги: илк бор Андижон вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида эртаки картошкани (Serhosil ва Desiree навлари мисолида) эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усулларида ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида суғориш, кечки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида ёмғирлатиб ҳамда ЧДНСга нисбатан 75–85–85% суғориш тартибида эгатлаб суғориш усулида парваришлаш самарали экани аниқланган;

эртаки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида ривожланиш даврлари бўйича ёмғирлатиб 10 марта (униб чиқишдан шоналашгача 2 марта, суғориш меъёри 220 м³/га, шоналашдан гуллашгача 1 марта, суғориш меъёри 220-240 м³/га, гуллашдан пишишгача 7 марта, суғориш меъёри 240-260 м³/га), мавсум давомида 2460,0 м³/га меъёрда суғориш, эгатлаб суғорилганда 7 марта (униб чиқишдан шоналашгача 1 марта, суғориш меъёри 606,6 м³/га, шоналашдан гуллашгача 1 марта, 420-610,7 м³/га, гуллашдан пишишгача 5 марта, суғориш меъёри 317,7-359,6 м³/га), мавсум давомида 3186,1 м³/га меъёрда суғориш, кечки картошкани ёмғирлатиб 12 марта (униб чиқишдан шоналашгача 2 марта, суғориш меъёри 220 м³/га, шоналашдан гуллашгача 2 марта, суғориш меъёри 220-240 м³/га, гуллашдан-пишишгача 8 марта, суғориш меъёри 240-260 м³/га), мавсум давомида 2860,0 м³/га меъёрда, эгатлаб суғориш усулида ЧДНСга нисбатан 75–85–85% суғориш тартибида 10 марта (униб чиқишдан шоналашгача 2 марта, суғориш меъёри 595,1-602,9 м³/га, шоналашдан гуллашгача 2 марта, суғориш меъёри 458,9-357,0 м³/га, гуллашдан пишишгача 6 марта, суғориш меъёри 321,7-264,3 м³/га), мавсум давомида 3759,0 м³/га меъёрда суғориш мақбул экани аниқланган;

суғориш амалиётларининг тупроқ ҳажм массасининг ортишига таъсири ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида ёмғирлатиб суғорилганда мавсум якунига кўра 1,33-1,34 г/см³ ёки эгатлаб суғоришга нисбатан 0,06-0,05 г/см³ камроқ зичлашгани аниқланган;

вегетация мавсуми якунига кўра ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида ёмғирлатиб суғорилган дала тупроғининг сув ўтказувчанлиги 923,9 м³/га бўлиб, эгатлаб суғоришга нисбатан 93,5 м³/га кўпроқ ёки 11,2% сақланиб қолган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Андижон вилоятининг ўтлоқи-бўз, ўрта-қумоқ тупроқлари шароитида эртаки ва кечки картошка етиштиришда Serhosil ва Desiree навларини ёмғирлатиб суғориш тартиблари ишлаб чиқилган ҳамда ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши учун мақбул микроклимат ҳосил қилиш ҳисобига навлар бўйича 67-66 ц/га қўшимча ҳосилдорликка эришилган;

эртаки ва кечки картошка етиштиришда анъанавий эгатлаб суғориш усулига нисбатан ёмғирлатиб суғориш орқали мос равишда 29,2-29,6% суғориш сувлари тежалган, бир туп картошканинг баргланиши 0,07-0,04 см², бир дона туганак вазни 9,0-6,0 г га ортган;

эртаки ва кечки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида ёмғирлатиб суғорилганда ўсимлик бўйи 8,5-5,8 см, палак вазни 41,5-23,5 г, барг сатхи 7,2-5,6 минг м² ва туганак ҳосили 112,6-132,0 г га ортганлиги аниқланган;

эртаки картошка ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида эгатлаб суғорилганда ўсимлик бўйи 4,6-4,3 см, палак вазни 36,5-21,0 г, барг сатхи 5,4-3,3 минг м² ва туганак ҳосили 34,8-72,7 г, кечки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–85–85% суғориш тартибида суғорилганда ўсимлик бўйи 5,1 см, палак вазни навлар бўйича 31-22 г, барг сатхи 3,3-2,7 минг м² ва туганак ҳосили 79,1-61,4 г га ортганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ўтказилган дала ва ишлаб чиқариш тажрибаларини услубий жиҳатдан тўғрилиги, диссертация ишида қўлланилган услубларнинг тадқиқотни бажарилишига мослиги, олинган натижаларнинг республика ва хорижий олимлар тажрибалари билан таққослангани, тадқиқот натижаларининг амалиётда тасдиқлангани ва ҳар йилги апробациядан ўтказилгани, тайёрланган ҳисоботлар институтнинг Услубий ҳамда Илмий кенгашларида муҳокамадан ўтказилгани, Диссертациянинг асосий натижалари хорижий ва Республика журналларида илмий мақолалар чоп этилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти Тадқиқот натижаларини илмий аҳамияти шундаки, Андижон вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида эртаки ва кечки картошка етиштиришда картошканинг Serhosil ва Desiree навлари мисолида эгатлаб ва ёмғирлатиб суғоришнинг мақбул суғориш тартиблари аниқланган ва суғориш усулларини тупроқнинг агрофизикавий хоссалари, картошканинг ўсиб-ривожланиши, палак вазни, туганак ҳосили, туганакларнинг ўртача вазни ҳамда умумий ҳосилдорлик

ортиши кўрсаткичларининг аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларини амалий ахамияти фермер ва томорқа хўжаликлари, агрокластерлар ҳамда замонавий суғориш технологияларини лойиҳалаш, ўрнатиш ва хизмат кўрсатиш бўйича фаолият юритувчи корхоналар учун эртаки ва кечки картошка етиштиришда замонавий сув тежамкор суғориш усулларини қўллаш бўйича тавсиянома ишлаб чиқилган ҳамда ўсимликлар ўсиб-ривожланиши, юқори ҳосил шаклланиши ва барқарор ҳосил олиш имконини берувчи мақбул суғориш тартибларининг ижобий таъсирлари илмий жиҳатдан асослангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Эртаки ва кечки картошканинг мақбул суғориш тартибини аниқлаш мақсадида олиб борилган тадқиқотлар натижалари асосида:

кишлоқ хўжалик агрокластерлари, фермер ва томорқа хўжаликлари учун “Андижон вилояти шароитида эртаки ва кечки картошкани парваришlashда ёмғирлатиб суғориш усулини қўллаш” номли тавсиянома тасдиқланган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 28 май кунги 05/06–02–378 сонли маълумотномаси). Ушбу тавсияномада эртаки ва кечки картошка етиштиришда анъанавий ва ёмғирлатиб суғориш усулларини қўллаш бўйича зарурий тавсиялар берилган;

ўтказилиган тадқиқот натижалари асосида картошканинг эртаки ва такрорий экинлар сифатида парваришlashда мақбул намликни сақлаш орқали ривожланиш фазалари бўйича, айниқса, ёз фаслида кузатиладиган аномал иссиқ кунларида ўсимликларнинг нормал ўсиб-ривожланиши учун қулай микроклим яратиш мақсадида Андижон вилоятининг Жалақудуқ тумани “Тоҳиржонов Умиджон даласи” фермер хўжалигининг 9,0 га, “Серҳосил дала файзи” фермер хўжалигининг 1,0 га, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Андижон тажриба станциясининг 3,0 га, Избоскан туманидаги “Майгир-Салоҳиддин” фермер хўжалигининг 1,0 га, “Юқори ҳосил барака” фермер хўжалигининг 1,0 га, “Майгир-замин файзи” фермер хўжалигининг 2,0 га, жами 17,0 га майдонда ёмғирлатиб (спринклерли) суғориш усулини қўллаш тартиблари жорий этилган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 28 май кунги 05/06–02–378 сонли маълумотномаси). Натижада эртаки экилган картошкадан ўртача 25,2-27,0 т/га, кечки картошкадан 24,1-26,2 т/га ҳосилдорлик ва мос равишда 28100-22850,3 минг сўм соф даромад ёки 75,1-61,1% рентабелликка эришилган;

Жалақудуқ тумани “Тоҳиржонов Умиджон даласи” фермер хўжалигининг 1,3 га, “Серҳосил дала файзи” фермер хўжалигининг 2,0 га, Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институти Андижон тажриба станциясининг 3,0 га, Избоскан туманидаги “Майгир-Салоҳиддин” фермер хўжалигининг 2,2 га, “Юқори ҳосил барака” фермер хўжалигининг 4,3 га, “Майгир-замин файзи” фермер хўжалигининг 3,0 га, жами 15,8 га майдонда эгатлаб суғориш тартиблари жорий этилди (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2024 йил 28 май кунги 05/06–02–378 сонли маълумотномаси). Натижада картошканинг эртаки ва кечки муддатларда етиштирилган Serhosil, Desiree,

Arizona va Evolution навларини эгатлаб суғориш учун мавсумий суғориш меъёри ўртача 3530 м³/га, сувтежамкор ёмғирлатиб суғориш усули билан суғорилганда 2461,5 м³/га ни ташкил этган ва суғориш сувлари 30-42% га тежалган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Дала ва ишлаб чиқариш тажрибалари ҳар йили Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Билим ва инновациялар миллий маркази ва Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг мутахассисларидан иборат махсус апробация комиссияси аъзолари томонидан ижобий баҳоланган ҳамда тадқиқот натижаларининг йиллик ҳисоботлари институтининг услубий ва илмий кенгашларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 8 та илмий ишлар нашр этилган. Жумладан, журналларда 3 та мақола, шундан 1 та хорижий журналда, илмий-амалий конференцияларда 4 та, шундан 2 та халқаро анжуманларда мақолалар нашр қилинган ҳамда 1 та тавсиянома ишлаб чиқилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари ҳамда объекти ва предметлари тавсифланган. Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти илмий тилда ёритиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва Диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Картошка ўсимлигининг ташқи муҳит омилларига талаби, агротадбирлар ва суғориш амалиётлари бўйича илмий манбалар шарҳи”** деб номланган I бобида мавзу бўйича ўтказилган илмий-тадқиқотлар тўғрисида маълумотлар келтирилган бўлиб, қишлоқ хўжалик экинларини ёмғирлатиб суғоришнинг мавсумий ва суғориш меъёрларини белгилаш ҳамда картошка ўсимлигининг ўсиб-ривожланиши ва ҳосилдорлигига таъсири бўйича олинган маҳаллий ва хорижий олимларнинг изланишлари батафсил баён қилинган. Адабиётлар шарҳининг хулоса қисмида қисқа тарзда бу муаммоларни ўрганишни давом эттириш лозимлиги, анъанавий ва ёмғирлатиб суғориш тартибларини ишлаб чиқиш бўйича илмий изланишлар ўтказиш зарурати баён этилган.


Диссертациянинг **“Тадқиқот ўтказиш шароити ва услублари”** деб номланган II бобида тадқиқот ўтказилган Андижон вилоятининг тупроқ-иқлим шароитлари, об-ҳаво маълумотлари, тадқиқот услуби ва тажриба тизими,

ўрганилган картошканинг ўрта-эртапишар “Serhosil” va “Desiree” навлари ҳамда ўтказилган агротехник тадбирлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудларига қараганда Фарғона водийсининг ўртача йиллик ва ўртача ойлик ҳаво ҳарорати йиғиндиси бир мунча паст бўлади. Умуман водийнинг қишки ҳаво ҳарорати нисбатан совуқроқ. Қишда ҳавонинг кескин совиб кетиши ёки аксинча, куннинг жуда исиб кетиш ҳоллари ҳам тез-тез кузатилади.

Андижон вилояти Фарғона водийсининг шарқий қисмида жойлашган бўлиб, ярим қуруқ иқлим ҳуқумронлик қилади. Ёзи иссиқ, июлнинг ўртача ҳарорати 27,3 °С, қиши нисбатан совуқ, январнинг ўртача температураси 3°С. Вегетация даври 217 кун. Йилига 250-380 мм ёғин тушади.

Тадқиқот ўтказилган йиллар давомида иқлим шароитлари натижалари таҳлилига кўра йиллик ёғингарчилик миқдори 185,0-455,0 миллиметрни ташкил этган.



1-расм. Андижон вилояти об-ҳавони кузатиш маркази маълумотлари (2020-2022 й.й.)

Диссертациянинг **2.2. Тажриба даласининг тупроқ тури, сизот сувлари жойлашуви ва агрокимёвий тавсифи** номли параграфиди тажриба олиб борилган тупроқ шароитлари келтирилган. Тажриба майдони ўртача маданийлашган суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқ бўлиб, механик таркиби ўрта кумоқ, тупроқ ҳосил қилувчи она жинслар аллювиал-пролювиал ётқизиклардан иборат, сизот сувлари сатҳи 1,5-2,0 метрда жойлашган, таъмига кўра чучук, чириндили (А-В), қатлам 0-50 см атрофида ҳамда озуқа элементлари билан яхши таъминланган.

Тажриба даласидан олинган маълумотларда тупроқдаги чиринди миқдори ҳайдалма қатламида (0-30) 1,120% га тенг, ялпи азот миқдори 0,167%, фосфор 0,136%, калий 1,63% ни ташкил этади. Ҳаракатчан азот 20,44 мг/кг, фосфор 29,2 мг/кг, калий 199,0 мг/кг ни ташкил қилади. Тажриба даласининг тупроқлари маълумотларга асосланган ҳолда ўзлаштириладиган фосфор ҳамда алмашинувчи калий билан кам даражада таъминланганлиги аниқланди.


Ушбу бобда дала ва лаборатория шароитидаги илмий изланишлар ПСУЕАИТИда қабул қилинган “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” қўлланмаси асосида олиб борилиб, ҳосилдорлик бўйича олинган маълумотлар

Доспеховнинг “Методика полевого опыта” услубий қўлланмаси асосида математик таҳлилдан ўтказилганлиги қайд қилинган. Тупроқнинг ҳажм массаси ва ғоваклиги Н.А.Качинский усулида, сув ўтказувчанлик эса (РАМ 1х1 м) усули бўйича аниқланган.

Тадқиқотлар объекти сифатида Андижон вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари, картошканинг ўрта-эртапишар “Serhosil” ва “Desiree” навлари, эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усуллари ҳамда суғориш тартиблари келтирилган.

Диссертациянинг “Картошка экинни суғориш тартибларини аниқлаш бўйича олинган тажриба натижалари” номли учинчи бобида дала тажрибалари ўтказилган 2020–2022 йилларда Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида картошканинг ўрта эртапишар “Serhosil” ва “Desiree” навлари мисолида мақбул суғориш тартибларини аниқлаш бўйича олинган натижалари таҳлил қилинган.

Тадқиқот ишининг **3.1-Фенологик кузатувлар** номли параграфида эртаки ва кечки экин сифатида картошкани эгатлаб ва ёмғирлатиб суғоришда ўсимликларни ривожланиш фазалари бўйича (экиш-униб чиқиш, униб чиқиш-шоналаш, шоналаш-гуллаш ва гуллаш-пишиш) фенологик кузатув натижалари келтирилган бўлса, **3.2-Тажриба навларининг ўсиши ва ривожланиши** номли параграфида ўсимликларнинг ўсиб-ривожланиши, ер усти органларининг (ўсимлик бўйи, палак вазни, барглар сони, барг сатҳи) шаклланиш динамикаси ҳамда **3.3-Картошка навларида туганак ва ҳосилнинг шаклланиши** номли параграфида умумий маҳсулдорлик кўрсаткичлари таҳлил қилинган. Хусусан, ёмғирлатиб суғорилган картошка навларининг ўсиб-ривожланиш даврлари бўйича олинган натижаларга кўра, палак вазни, туганак ҳосили шаклланиши юқори бўлиб, ўсимликларнинг ўртача бўйи 6,6-8,2 см, барг сатҳи 6,2-7,0 минг м², палак вазни 35,3-30,8 г ва туганак ҳосили 116-118 г га ортаклиги аниқланган (1-жадвал ва 2-расм).




2-расм: Тажриба навларида палак вазни ва туганак ҳосилининг шаклланиши.

Турли суғориш усулида парваришланган картошка навларининг
маҳсулдорлик кўрсаткичлари (2020-2022 й.й.).

Вариант	Суғориш усуллари ва тартиблари	Маҳсулдорлик кўрсаткичлари												
		Кўчат сони, туп			Серхосил нави			Кўчат сони, туп			Десирее нави			
		палак вазни, г	туганак хосили, г	туганак сони, дона	палак вазни, г	туганак хосили, г	туганак сони, дона	палак вазни, г	туганак хосили, г	туганак сони, дона	палак вазни, г	туганак хосили, г	туганак сони, дона	
Эргаки														
1	Эгатлаб (назорат) 65–75–75%	52067,0	336,0	447,5	7,4	60,5	52008,9	339,0	448,0	7,2	62,2	339,0	448,0	7,2
2	Спринклер 75–75–85%	52101,7	376,0	566,2	8,0	70,8	51993,1	382,0	577,0	8,2	70,4	382,0	577,0	8,2
3	Эгатлаб 75–75–85%	52048,3	374,0	505,3	8,0	63,2	52042,3	374,0	482,3	7,7	62,6	374,0	482,3	7,7
4	Спринклер 75–85–85%	52108,3	372,0	543,1	8,1	67,0	52081,5	379,0	583,7	8,1	72,1	379,0	583,7	8,1
5	Эгатлаб 75–85–85%	52268,8	369,0	522,3	8,1	64,5	52038,8	381,0	515,0	7,8	66,0	381,0	515,0	7,8
Кечки														
1	Эгатлаб (назорат) 65–75–75%	51437,7	324,0	477,6	7,9	60,5	51147,5	338,0	457,5	7,4	61,8	338,0	457,5	7,4
2	Спринклер 75–75–85%	51473,1	350,0	590,6	8,3	71,2	51553,5	360,0	576,1	7,6	75,8	360,0	576,1	7,6
3	Эгатлаб 75–75–85%	51405,5	348,0	519,4	8,4	61,8	51515,2	357,0	528,0	8,1	65,2	357,0	528,0	8,1
4	Спринклер 75–85–85%	51513,5	353,0	564,9	8,1	69,7	51374,8	356,0	552,8	7,9	70,0	356,0	552,8	7,9
5	Эгатлаб 75–85–85%	51424,2	355,0	523,1	8,5	61,5	51405,5	360,0	519,4	8,2	63,3	360,0	519,4	8,2


Диссертациянинг 3.4. Суғориш усуллари тупроқ агрофизик хоссаларига таъсири номли ва 3.4. Суғориш усуллари тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ва ғоваклигига таъсири номли параграфларида турли суғориш усуллари тажриба даласи тупроғининг ҳажм массаси, сув ўтказувчанлиги ва ғоваклигига таъсири баён қилинган.

Тажриба олиб борилган Андижон вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида амал даврининг аввалида тупроқ ҳажм массаси ҳайдов (0–30 см) қатламида 1,29 г/см³ ни, мавсум якуни бўйича эгатлаб суғорилганда 1,42 г/см³ ёки 0,13 г/см³ ортган, ёмғирлатиб суғориш усулида 1,33 г/см³, 0,04 г/см³ ортган. Эшатлаб суғоришга нисбатан ёмғирлатиб суғоришда тупроқ ҳажм массасининг ортиши 0,09 г/см³ ёки 30,8 % га кам содир бўлган (3-расм).



3-расм: Турли суғориш усуллари тупроқ ҳажм массасига таъсири.

Тадқиқотлардан олинган натижаларга кўра, 2020-2022 йилларда тажриба даласининг амал даври аввалида тупроқнинг сув ўтказувчанлиги ўртача 960,7 м³/га ни ташкил этган. Амал даври охирига келиб эгат олиб суғорилган назорат вариантыда 830,4 м³/га, амал даври аввалига нисбатан 130,3 м³/га ёки 13,6% га камайган. Ёмғирлатиб суғорилган вариантларда ўртача 923,5 м³/га, камайиш кўрсаткичлари 36,9 м³/га ёки 3,8% ни ташкил этган. Бу эса, тупроқнинг сув ўтказиш қобилияти ёмғирлатиб суғориш усулини қўллаш орқали 9,8% га камроқ содир бўлганини кўрсатади (4-расм).



4-расм. Суғориш усуллари тупроқнинг сув ўтказувчанлигига таъсири (2020-2022 й.й.)

Диссертациянинг **3.6. Тажриба даласи тупроғининг чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) ва суғориш олди намлиги** номли параграфида суғориш олди тупроқ намлиги ва суғориш муддатларини аниқлаш бўйича маълумотлар келтирилган.

Тажрибада тупроғининг суғориш олди намлиги оддий усулда тензиометр орқали аниқланган. Эгат олиб суғорилганда тупроқнинг суғориш олди намлиги картошканинг униб чиқиш-шоналаш даврида 0–70 см ҳисобий қатламидаги тупроқнинг ўртача намлиги ЧДНСга нисбатан 65,2%, шоналаш-гуллаш даврида 0–70 см ҳисобий қатламда ЧДНСга нисбатан 75,5%, гуллаш-пишиш даврида 75,3% ни ташкил этган. Юқоридаги кўрсаткичлар ёмғирлатиб суғорилганда тупроқнинг 0–30 см ва 0–70 см қатламидаги ўртача намлик униб чиқиш-шоналаш ва шоналаш-гуллаш даврида ЧДНСга нисбатан 75,2%, гуллаш-пишиш даврида ЧДНСга нисбатан 85,3% бўлган (5-расм).

3.8. Ҳосилдорлик ва сув истеъмоли номли параграфда 2020-2022 йиллари ўтказилган тажрибаларда эртаки ва кечки картошкани эгатлаб суғоришда ўртача 3477–4063 м³/га меъёра, 6-10 марта, ёмғирлатиб суғоришда мавсумий суғориш меъёри 2460–2860 м³/га дан 10-12 марта суғорилган ва эгатлаб суғоришга нисбатан 1017–1203 м³/га ёки 29–30% сув тежалгани бўйича олинган маълумотлар таҳлил қилинган (3-жадвал).

Эртаки экилган ва турли суғориш усуллари билан парваришланган картошка навларида юқори ҳосилдорлик ёмғирлатиб суғорилган вариантларда навлар бўйича 29,5-30,0 т/га ни ташкил этган ёки назоратга нисбатан 6,2-6,7 т қўшимча ҳосилдорлик қайд этилган. Кечки етиштирилган картошкада ҳам энг юқори қўшимча ҳосилдорлик ёмғирлатиб суғорилган 2-вариантда навлар бўйича ўртача 30,4-29,7 т/га, назорат вариантыга нисбатан қўшимча 6,4-5,3 т га юқори бўлган.

Эгатлаб суғориш усулида етиштирилган вариантларда нисбатан юқори қўшимча ҳосилдорлик эртаки етиштирилган Serhosil навида ЧДНСга нисбатан 75–75–85% намлик назорати ўрнатилган 3-вариантда 3,5 т/га ёки назоратга нисбатан 13,5% га кўп, кечки картошкада Desiree навида ЧДНСга нисбатан 75-85-85% намлик назоратида суғориш тадбирлари ўтказилган 5-вариантда қўшимча ҳосил 2,3 т/га, 10,0 % юқори бўлгани аниқланди (2-жадвал).




Диссертациянинг **Эртаки ва кечки картошкани эгатлаб ва ёмғирлатиб суғориш усулларида парваришланишнинг иқтисодий самарадорлиги ва илмий тадқиқот натижаларини ишлаб чиқаришга жорий қилиниши** номли **IV бобида** турли суғориш усуллари ва тартиблари билан Андижон вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида картошка етиштиришнинг самарадорлик кўрсаткичлари келтирилган. Эртаки ва кечки картошка етиштиришда бир гектарга сарф қилинган жами ҳаражатлар назорат вариантыда ўртача 42253,0 минг сўмни, ёмғирлатиб суғорилган вариантда 40151,6 минг сўмни ташкил этди. Шунингдек, эртаки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–75–85 % суғориш тартибида ёмғирлатиб суғорилган вариантда жами ҳаражат 39780,1 минг сўмни ташкил этган. Олинган соф фойда 36209,9 минг сўмни, қўшимча ҳосилдан 18689,4 минг сўм ва рентабеллик кўрсаткичи 91,0 % ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 48,9 % га ортган. ЧДНСга нисбатан 75–75–85 %

суғориш тартибида эгатлаб суғорилган вариантда соф фойда 24674,1 минг сўм, кўшимча ҳосилдан олинган даромад 7153,6 сўм, рентабеллик кўрсаткичи 58,6 % ни ташкил этиб, назоратга нисбатан 16,5 % га ортган. Кечки картошка етиштиришда ҳам юқоридаги натижаларга яқин кўрсаткичлар қайд этилган.

2-жадвал.

Турли суғориш усуллари ни картошка навларининг ҳосилдорлигига таъсири (т/га).

№	Суғориш усуллари ва тартиблари	Тажриба навлари	Йиллар				Ум.	Фарқи ± (т/га)			
			2020	2021	2022	ўрт.		2020	2021	2022	Ўр.
1	Эгатлаб суғориш (назорат) 65–75–75%	Serhosil	24,3	23,3	24,3	23,9	23,6				
		Desiree	23,2	23,6	23,0	23,3					
2	Ўмғирлатиб суғориш 75–75–85%	Serhosil	30,7	29,7	29,5	30,0	29,9	6,6	6,4	5,9	6,3
		Desiree	30,0	30,1	29,6	29,9					
3	Эгатлаб суғориш 75–75–85%	Serhosil	26,0	26,8	25,7	26,2	26,2	2,9	3,2	1,7	2,6
		Desiree	27,2	26,6	24,9	26,2					
4	Ўмғирлатиб суғориш 75–85–85%	Serhosil	29,3	28,9	28,0	28,7	29,1	6,3	5,5	4,9	5,6
		Desiree	29,9	30,0	28,4	29,4					
5	Эгатлаб суғориш 75–85–85%	Serhosil	27,3	26,3	26,5	26,7	26,5	3,2	2,7	2,8	2,9
		Desiree	25,7	26,8	25,6	26,0					
ЭКИФ ₀₅ (т/га)		Serhosil	3,1	2,4	2,3						
		Desiree	2,9	2,7	1,6						
ЭКИФ ₀₅ (%)		Serhosil	2,68	1,95	1,87						
		Desiree	2,81	3,30	2,33						



5-расм: Эртаки ва кечки картошкани суғориш меъёри ва муддатлари (2020-2022 й.й.).

Етиштирилган картошка экиннинг сув истеъмоли (2020-2022 й.й.)

№	Кўрсаткичлар	Вариантлар, навлар											
		Эртаки					Кечки						
		1	2	3	4	5	1	2	3	4	5		
1	Вегетация аввалидаги захира, м ³ /га	5140,0	5140,0	5140,0	5140,0	5140,0	4112,0	4112,0	4112,0	4112,0	4112,0	4112,0	4112,0
2	Вегетация охиридаги захира, м ³ /га	4568,9	4420,4	4672,7	4394,7	4715,6	3645,4	3413,0	3687,9	3389,1	3738,2	3738,2	3738,2
3	Захира намлигидан фойдаланилган сув м3/га	571,1	719,6	467,3	745,3	424,4	466,6	699,0	424,1	722,9	373,8	373,8	373,8
17 4	Захира намлигидан фойдаланилган сув %	13,7	21,8	12,4	22,7	11,9	10,2	19,3	9,4	20,3	8,9	8,9	8,9
5	Мавсумий суғориш меъёри, м ³ /га	3476,6	2460,0	3186,1	2420,0	3013,6	4063,3	2860,0	4020,9	2780,0	3759,0	3759,0	3759,0
6	Мавсумий суғориш меъёри, %	83,5	74,7	84,5	73,8	84,8	88,5	79,0	89,3	78,0	89,7	89,7	89,7
7	Ёгингарчилик микдори, м ³ /га	115,0	115,0	115,0	115,0	115,0	60,0	60,0	60,0	60,0	60,0	60,0	60,0
8	Ёгингарчилик микдори, %	2,8	3,5	3,1	3,5	3,2	1,3	1,7	1,3	1,7	1,4	1,4	1,4
9	Жами фойдаланилган сув микдори, м ³ /га	4162,7	3294,6	3768,4	3280,3	3553,0	4589,9	3619,0	4505,0	3562,9	4192,8	4192,8	4192,8
10	Хосилдорлик, ўрғача (т/га)	23,2	29,8	26,2	29,4	25,9	24,0	30,1	26,1	28,8	26,8	26,8	26,8
	Серхосил	23,3	29,5	26,8	28,3	26,5	24,6	30,4	25,5	29,1	26,9	26,9	26,9
11	Дезирее	23,2	30,0	25,7	30,4	25,3	23,4	29,7	26,7	28,4	26,7	26,7	26,7
	1 м3 сув сарфлаб олинган ҳосил, кг	5,6	9,0	7,0	8,9	7,3	5,2	8,3	5,8	8,1	6,4	6,4	6,4
12	1 ц картошка учун сарфланган умумий сув, м ³ /ц	17,9	11,1	14,4	11,2	13,7	19,2	12,0	17,2	12,4	15,6	15,6	15,6
13	Сарф қилинган 1 м ³ суғориш сувини ҳосил билан қопланиши (мавсумий суғориш меъёрига нисбатан, кг)	6,7	12,1	8,2	12,1	8,6	5,9	10,5	6,5	10,3	7,1	7,1	7,1

Кечки картошка етиштиришда ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида ёмғирлатиб суғорилган 2-вариантда ҳам нисбатан юқори кўрсаткичлар қайд этилди. Жумладан, ўртача соф фойда 36231,8 минг сўмни ташкил этиб, назорат вариантыга нисбатан 17898,3 минг сўм ёки 1,8 баробар юқори даромадга эга бўлган. Бу кўрсаткичлар ЧДНСга нисбатан 75–85–85% суғориш тартибида эгатлаб суғорилганда ўртача 25673,9 минг сўм, қўшимча даромад 7340,4 минг сўм ва назоратга нисбатан 40,0 % юқори даромад билан самарали бўлган..

Ёмғирлатиб суғориш тизими учун сарф қилинган 82500,0 минг сўм миқдоридagi капитал маблағларининг қопланиш муддати олинган қўшимча ҳосил ҳисобидан 4,4-4,6 йилни ташкил этади (4-жадвал).

4-жадвал

Турли суғориш усулларида картошка етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги (2020-2022 й.й.)

Вар	Ҳосил (ўртача 3 йилда), ц/га	Жами ҳаражат, минг сўм/га	Шартли фойда, минг сўм/га		Жами даромад минг сўм	Соф фойда минг сўм	Махсулот таннархи, минг сўм/ц	Рентабеллик даражаси, %
			ҳаражатлар тежаланишдан	қўшимча ҳосилдан				
Эртаки картошка								
1	23,2	41639,5	0,0	0,0	59160,0	17520,5	179,5	42,1
2	29,8	39780,1	1859,4	18689,4	75990,0	36209,9	133,5	91,0
3	26,2	42135,9	-496,4	7153,6	66810,0	24674,1	160,8	58,6
4	29,4	39737,0	1902,5	17712,5	74970,0	35233,0	135,2	88,7
5	25,9	42028,0	-388,5	6496,5	66045,0	24017,0	162,3	57,1
Кечки картошка								
1	24,0	42866,5	0,0	0,0	61200,0	18333,5	178,6	42,8
2	30,1	40523,2	2343,3	17898,3	76755,0	36231,8	134,6	89,4
3	26,1	42757,7	108,8	5463,8	66555,0	23797,3	163,8	55,7
4	28,8	40480,1	2386,4	14626,4	73440,0	32959,9	140,6	81,4
5	26,8	42666,1	200,4	7340,4	68340,0	25673,9	159,2	60,2

ХУЛОСАЛАР

1. Андижон вилоятининг суғориладиган ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида картошка асосан анъанавий суғориш усулида етиштириб келинмоқда. Бугунги глобал иқлим ўзгаришлари ва сув танқислиги кузатилаётган даврда картошкачиликда сувтежамкор суғориш технологияларини жорий қилиш талаб этилади.

2. Тажриба ўтказилган даланинг тупроғи механик таркибига кўра ўрта-қумоқ бўлиб, мавсум аввалидаги ҳажмий массаси ҳайдов қатламида (0-30 см) ўртача 1,29 г/см³ бўлган бўлса, мавсум якуни бўйича эгатлаб суғорилган вариантда 1,42 г/см³, ёмғирлатиб суғорилган вариантда 1,33 г/см³ ёки эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан 0,09 г/см³ камайгани аниқланди.

3. Тупроқнинг сув ўтказувчанлигига суғориш усуллари ўзига хос таъсир кўрсатган ва мавсум аввалида 960,7 м³/га бўлса, мавсум охирида эгатлаб суғорилганда 830,4 м³/га ёки 130,3 м³/га, ёмғирлатиб суғорилганда 923,9 м³/га, мавсум аввалига нисбатан 36,9 м³/га камайган ҳамда тупроқнинг сув ўтказиш қобилияти назоратга нисбатан 93,5 м³/га ёки 9,8% га сақланиб қолган.

4. Эртаки картошкани эгатлаб ривожланиш давлари бўйича 6 марта суғорилган ва мавсумий суғориш меъёри 3476,6 м³/га, ёмғирлатиб 10 марта суғорилган ва мавсумий суғориш меъёри 2460 м³/га ёки назорат вариантыга нисбатан 29,2 % сув тежалган. Кечки картошка эгатлаб 10 марта, мавсумий суғориш меъёри 4063,3 м³/га, ёмғирлатиб 12 марта суғорилган ва мавсумий суғориш меъёри 2860,0 м³/га, эгатлаб суғоришга нисбатан 29,6 % суғориш сувлари тежалган.

5. Эртаки картошкадан 1 м³ сув сарфлаб олинган ҳосил эгатлаб суғоришда 5,6 кг ни, ёмғирлатиб суғорилганда 9,0 кг ёки 3,4 кг га зиёд, кечки картошкада назорат вариантыда 5,2 кг ёмғирлатиб суғорилганда 8,3 кг, эгатлаб суғоришга нисбатан 3,1 кг га ортгани аниқланди.

6. Эртаки етиштирилган 1ц картошка учун сарфланган умумий сув миқдори эгатлаб суғоришда 17,9 м³, ёмғирлатиб суғорилганда ўртача 11,1 м³, 6,8 м³ камроқ сув сарфланган. Кечки картошка етиштиришда юқоридаги кўрсаткичлар эгатлаб суғоришда 19,2 м³, ёмғирлатиб суғорилганда 12,0 м³ ёки ўртача 38,0 % га кам сув сарфланган.

7. Эгатлаб суғорилган эртаки ва кечки картошкадан 23,3-24,0 т/га ҳосил олинган бўлса, ёмғирлатиб суғорилганда мос равишда 29,8-30,1 т/га ёки 6,5-6,1 т қўшимча ҳосил етиштирилган.

8. Эртаки ва кечки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида ёмғирлатиб суғорилганда маҳсулдорлик кўрсаткичлари тегишли тарзда Serhosil навида палак вазни 376-350 г, туганак ҳосили 566-591 г, туганаклар ўртача сони 8,0-8,3 дона, туганакларнинг ўртача вазни 70,8-71,2 г ёки эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан палак вазни 33 г, туганак ҳосили 116 г ва бир дона туганак вазни 11 г га кўп, Desiree навида палак вазни 382,0-360,0 г, туганак ҳосили 577 г, ўртача туганаклар сони 8,2-7,6 дона, туганакларнинг ўртача вазни 76-73 г ёки эгатлаб суғорилган вариантга нисбатан палак вазни 38-35 г, туганак ҳосили 112-118 г ва бир дона туганак вазни ўртача 7-5 г га кўп бўлгани аниқланди.

9. Эртаки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида эгатлаб суғорилган навларининг ўсиши ва ривожланиши назоратга нисбатан фарқланди ва мос равишда палак вазни ўртача 374 г ёки 38-35 г кўп, туганак ҳосили 505-482 г ёки 52-17 г кўп, туганаклар сони 8,0-7,7 дона, туганаклар ўртача вазни эса 63,2-62,6 г ҳамда кечки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–85–85% суғориш тартибида эгатлаб суғорилганда палак вазни ўртача 355-360 г ёки 31-22 г кўп, туганак ҳосили 523-519 г ёки 79-61 г га кўп, туганаклар сони 8,5-8,2 дона, туганаклар ўртача вазни эса 77-76 г экани аниқланди.

10. ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида ёмғирлатиб суғорилган эртаки ва кечки картошкадан олинган ўртача соф фойда 36220850 сўм/га, рентабеллик даражаси 90,2 фоизни ташкил этган. Эгатлаб суғоришга нисбатан 18291350 сўм ёки 2 баробар кўп даромад олинган ва рентабеллик даражаси 47,8 фоизга ортган. Эртаки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида эгатлаб суғорилганда соф фойда 24674,1 минг сўм/га ни ташкил қилган, рентабеллик даражаси 58,6 % ёки назоратга нисбатан 16,5 %, кечки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–85–85% суғориш тартибида суғорилганда соф даромад 25673,9 минг сўм/га, рентабеллик даражаси 60,2 % ёки назоратга нисбатан 17,4 % га юқори бўлган.

11. Андижон вилоятининг ўтлоқи-бўз тупроқлари шароитида эртаки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида ёмғирлатиб 10 марта (униб чиқишдан шоналашгача 2 марта, суғориш меъёри 220 м³/га, шоналашдан гуллашгача 1 марта, суғориш меъёри 220-240 м³/га, гуллашдан пишишгача 7 марта, суғориш меъёри 240-260 м³/га) мавсумий 2460 м³/га меъёрида суғориш тавсия этилади. Эгатлаб суғоришда 7 марта (униб чиқишдан шоналашгача 1 марта, суғориш меъёри 600 м³/га, шоналашдан гуллашгача 1 марта, суғориш меъёри 500 м³/га, палак сарғайишидан пишишгача 5 марта, 400 м³/га суғориш меъёрида) мавсумий 3200 м³/га меъёрда суғориш тавсия этилади.

Кечки картошкани ЧДНСга нисбатан 75–75–85% суғориш тартибида ёмғирлатиб жами 12 марта (униб чиқишдан шоналашгача 2 марта, суғориш меъёри 200-220 м³/га, шоналашдан гуллашгача 2 марта, суғориш меъёри 220-240 м³/га, гуллашдан пишишгача 8 марта, суғориш меъёри 240-260 м³/га) мавсумий 2860 м³/га меъёрда суғориш, эгатлаб суғориш усулида ЧДНСга нисбатан 75–85–85% суғориш тартибида жами 10 марта (униб чиқишдан шоналашгача 2 марта, суғориш меъёри 600 м³/га, шоналашдан гуллашгача 2 марта, суғориш меъёри 400 м³/га, гуллашдан пишишгача 6 марта 300 м³/га суғориш меъёрида) мавсумий 3800 м³/га меъёрида суғориш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ СЕЛЕКЦИИ, СЕМЕНОВОДСТВА И АГРОТЕХНОЛОГИИ
ВЫРАЩИВАНИЯ ХЛОПКА**

**АНДИЖАНСКИЙ ИНСТИТУТ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА И
АГРОТЕХНОЛОГИЙ**


МИРФОЗИЛОВ НОДИРБЕК АЪЗАМОВИЧ

**Определение режима орошения раннего и позднего картофеля,
выращиваемого при различных способах орошения, в условиях
Андижанской области**

06.01.02– Мелиорация и орошаемое земледелие

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент – 2024



Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № В2021.1.PhD/Qx691

Диссертация доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам выполнена в Андижанском институте сельского хозяйства и агротехнологий.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета (www.psuyaiti.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz.)

Научный руководитель: **Исашов Анваржан,**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты: **Хамидов Мухаммадхон Хамидович,**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор
Камилов Бахтиёр Султанович,
кандидат сельскохозяйственных наук, профессор

Ведущая организация: Научно-исследовательский институт ирригации и водных проблем

Защита диссертации состоится «__» _____ 2024 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.05/30.12.2019.Qx.42.01 при Научно-исследовательском институте селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопчатника. (Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, с.с.г. Аккавак, Ботаника, ул УзПИТИ, НИИССАВХ Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871) 150-61-37; e-mail: paxtauz@mail.ru.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Научно-исследовательского института селекции, семеноводства и агротехнологии выращивания хлопчатника (зарегистрирована № __). Адрес: 111202, Ташкентская область, Кибрайский район, , Ботаника, ул УзПИТИ, НИИССАВХ Тел: (+99878) 150-62-84; факс: (+99871)150-61-37; e-mail:paxtauz@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2024 года.
(реестр протокола рассылки № __ от «__» _____ 2024 года.)

Ш.Нурматов,
Председатель научного совета по присуждению учёных степеней, д.с.х.н., профессор.

Ф.М.Хасанова,
Учёный секретарь научного совета по присуждению учёных степеней, к.с.х.н., профессор.

Ж.Х.Ахмедов,
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.б.н., профессор.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

На сегодняшний день, картофель является одним из основных продуктов питания ежедневном рационе людей во многих регионах мира и в настоящее время занимает четвертое место по возделываемости. По данным Национальной службы сельскохозяйственной статистики Департамента сельского хозяйства США USDA, National Agricultural Statistics Service «Общий урожай картофеля в 2023 году составило 440 млн. тонн, выращено больше на 9% по сравнению с 2022 годом. А общая посевная площадь выросло на 23,1 млн. гектар, по сравнению с 2022 годом увеличилась на 5%, урожайность составила 18,5-19,0 тонн с гектара.¹ Азия и Африка являются наиболее быстрорастущими регионами производства картофеля, в то время как Европа и Северная Америка переживают спад производства.

Орошение является важным фактором при возделывании сельскохозяйственной продукции, особенно в картофелеводстве. Водосберегающие технологии орошения широко используются в ведущих странах производителей картофеля. Используя эти технологии наряду с экономией оросительной воды достигается выращивание высокого и качественного урожая. Получение высокого и качественного урожая непосредственно зависит от показателей продуктивности картофеля. По этой причине важной задачей является проведение научных исследований по определению режима орошения для повышения эффективности возделывания картофеля на полях, где применяются способы полива с дождеванием.

В Узбекистане особое внимание уделяется масштабному внедрению водосберегающих технологий орошения. В указе Президента Республики Узбекистан от 13 февраля 2024 года за № УП-71 «О дополнительных мерах по борьбе с деградацией земель сельскохозяйственного назначения, поддержка повышения содержания гумуса в почве и ее плодородия» и в Постановление от 6 мая 2020 года за № ПП-4704 «О мерах по расширению выращивания картофеля и дальнейшему развитию семеноводства в республике»² в котором, главной целью является создание кластеров и кооперативов по картофелеводству и основными их направлениями являются выращивание потребительского и семенного картофеля на основе инновационных и ресурсосберегающих технологий, расширение выращивания суперэлитных и элитных поколений, расширение экспорта, не только удовлетворение потребностей внутреннего рынка, но и хранение, сортировка и доставка семенного картофеля и налаживанию переработки, и внедрение в отрасль передовые технологии, инновационные решения (ноу-хау) и научные достижения.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач указанное в Постановлении Президента Республики

¹ <https://usda.library.cornell.edu/concern/publications/fx719m44h>

² <https://lex.uz/ru/docs/6798455>

Узбекистан «О мерах по дальнейшему совершенствованию внедрения водосберегающих технологий в сельском хозяйстве» от 1 марта 2022 года за № ПП-144 и других нормативно-правовых документах, связанных с этой деятельностью.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики V: «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. В ведущих странах по картофелеводству исследования проводились учеными V.Albrecht, D.Roth (США), A.J.Havercort, P.C.Struik (Германия), D.J.Theron (Голландия), Б.А.Писарев, В.П.Кирюхин, В.С.Бориско, А.В.Коршунов, Т.В.Кувонина, В.И.Ольгаренко, Д.С.Усков (Россия) по определению способов, сроков посева, картофеля, режимов орошения, техники полива, а также, норм удобрений в нашей стране в разных почвенно-климатических условиях были изучены со стороны Н.Н.Балашева, Е.Г.Лучина, Д.Т.Абдукаримова, В.И.Зуева, Т.Э.Остонакулова, И.Т.Эргашева, А.Х.Хамзаева, С.Т.Санаева, Б.Ж.Азимова, И.Х.Амантурдиева, М.К.Абдурахимова, Н.Т.Нишонова и др.

Не проведены исследования по изучению влияния способа полива дождеванием раннего и позднего картофеля на рост, развитие растений и на урожайность в условиях лугово-сероземных почв Андижанской области, с уровнем залегания грунтовых вод 1,5-2,0 метра.

